



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 14 » avgust № 369

Toshkent sh.

“Ohangaron Tech Industrial” технопарки иштирокчиларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мис ва ноёб металл хомашёсини қайта ишлашнинг технологик занжирларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 28 июндаги ПҚ–295-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида ташкил этилган мис ва ноёб металлари қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган “Ohangaron Tech Industrial” технопарки иштирокчиларининг инновацион, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мис ва ноёб металл хомашёсини қайта ишлашнинг технологик занжирларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 28 июндаги ПҚ–295-сон қарорига мувофиқ **“Ohangaron Tech Industrial” технопарки** (кейинги ўринларда – Технопарк) иштирокчиларининг инновацион, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

мис ва ноёб металл хомашёсини қайта ишлаш борасида энергия ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, экология хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш ва маҳсулот сифатини ахборот тизимлари орқали бошқариш ва назорат қилиш бўйича илмий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига сарфланган харажатларнинг **50** фоиз миқдори, бироқ **1** млрд сўмдан ошмайдиган қисми қопланиши;

ушбу илмий тадқиқотлар ва тажриба-конструкторлик ишланмаларни жорий қилиш бўйича лойиҳалаштириш, инжиниринг ва технологиялар трансфери хизматларни кўрсатиш (ишларни бажариш) билан боғлиқ харажатларнинг **20** фоизгача миқдори Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан қоплаб берилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи **“Ohangaron Tech Industrial”** технопарки иштирокчиларининг инновацион, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Технопарк иштирокчиларининг илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмалари харажатларини қоплаш тартиби;

Технопарк иштирокчиларининг лойиҳалаш, инжиниринг ва технологиялар трансфери хизматларини кўрсатиш (ишларини бажариш) билан боғлиқ харажатларини қоплаш тартиби.

3. Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги **Геология, кон-металлургия ва мисни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш лойиҳа офиси** давлат муассасасига (кейинги ўринларда – Лойиҳа офиси) Технопарк иштирокчиларининг инновацион, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид куйидаги қўшимча вазифалар юклансин:

Лойиҳа офисининг Мис саноати кластери электрон ахборот-интерактив савдо порталида Технопарк иштирокчиларининг инновацион, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид муурожаатларини онлайн қабул қилиш ва натижаларини қайта юбориш алоқа механизмини назарда тутувчи электрон тизимни жорий этиш;

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги билан биргаликда Технопарк иштирокчиларининг инновацион, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга яқиндан кўмаклашиш.

4. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги Технопарк иштирокчиларининг инновацион, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига сарфланган харажатларини ушбу қарор билан белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан қоплаб берилишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил “ 14” августдаги 369 -сон қарорига
илова

**“Ohangaron Tech Industrial” технопарки иштирокчиларининг
инновацион, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик
фаолиятини қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида ташкил этилган мис ва ноёб металлларни қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган “Ohangaron Tech Industrial” технопарки иштирокчиларининг инновацион, илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига сарфлаган харажатларини Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан қоплаб бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ишчи орган – Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Геология, кон-металлургия ва мисни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш лойиҳа офиси;

ваколатли орган – Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузурида Инновацион ривожланиш агентлиги;

ахборот портали – Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги Геология, кон-металлургия ва мисни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш лойиҳа офисининг Мис саноати кластери бўйича ягона электрон ахборот-интерактив савдо портали;

Технопарк – Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманида мис ва ноёб металлларни қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қийматли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилган “Ohangaron Tech Industrial” технопарки;

Технопарк иштирокчиси – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июндаги ПҚ-5159-сон қарори билан тасдиқланган Мис саноати кластерини ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича махсус комиссия томонидан қабул қилинган қарорга асосан “Ohangaron Tech Industrial” технопарки ҳудудида ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш) фаолиятини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъект;

илмий тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмалари – мис ва ноёб металллар хомашёсини қайта ишлаш борасида энергия ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, экология хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш ва маҳсулот сифатини ахборот тизимлари орқали бошқариш ва назорат қилиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмалари;

лойиҳалаштириш, инжиниринг ва технологиялар трансфери хизматлари (ишлари) – мис ва ноёб металллар хомашёсини қайта ишлаш борасида энергия ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, экология хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш ва маҳсулот сифатини ахборот тизимлари орқали бошқариш ва назорат қилиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмаларни жорий қилиш бўйича лойиҳалаштириш, инжиниринг ва технологиялар трансфери хизматлари (ишлари);

илмий тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига сарфланган харажатларни қоплаш – мис ва ноёб металллар хом ашёсини қайта ишлаш борасида энергия ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, экология хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш ва маҳсулот сифатини ахборот тизимлари орқали бошқариш ва назорат қилиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига сарфланган харажатларнинг 50 фоиз миқдори, бироқ 1 млрд сўмдан ошмайдиган қисмини Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан қоплаб бериш;

лойиҳалаштириш, инжиниринг ва технологиялар трансфери хизматларини кўрсатиш (ишларни бажариш) билан боғлиқ харажатларни қоплаш – мис ва ноёб металллар хомашёсини қайта ишлаш борасида энергия ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, экология хавфсизлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш ва маҳсулот сифатини ахборот тизимлари орқали бошқариш ва назорат қилиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини жорий қилиш бўйича лойиҳалаштириш, инжиниринг ва технологиялар трансфери хизматларини кўрсатиш (ишларни бажариш) билан боғлиқ харажатларнинг 20 фоизгача миқдорини Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан қоплаб бериш;

муружаат – Технопарк иштирокчисининг илмий-тадқиқотлар ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига сарфланган ҳамда лойиҳалаштириш, инжиниринг ва технологиялар трансфери хизматларини кўрсатиш (ишларни бажариш) билан боғлиқ харажатларни Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан қоплаб бериш тўғрисидаги муружаати.

3. Технопарк иштирокчисининг Технопарк ҳудудида ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш) фаолияти доирасида илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмалари ҳамда лойиҳалаштириш, инжиниринг ва технологиялар трансфери хизматларини кўрсатиш (ишларни бажариш) билан боғлиқ харажатларини қоплаш тартиби ушбу Низомга 1 ва 2-иловалардаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

2-боб. Илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмалари харажатларини қоплаш учун асос бўлувчи ҳужжатлар, мурожаат этиш ва харажатларни қоплаш тартиби

4. Технопарк иштирокчиси Технопарк ҳудудида ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш) фаолияти доирасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини жорий этганлиги ваколатли орган томонидан тасдиқланганлиги ушбу илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини жорий этиш билан боғлиқ харажатларини Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан қоплаб бериш учун асос бўлади.

Бунда Технопарк иштирокчиси:

юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳамда Технопарк иштирокчиси бўлиши;

мис ва ноёб металллар хомашёсини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштирганлиги;

илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини яратиш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлиши;

илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини мажбурий сертификатлаш талаб этилган ҳолларда мувофиқлик сертификати, шунингдек, зарур ҳолларда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ёки экологик экспертиза хулосасига эга бўлиши;

илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ лицензиялаш ёки бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжат талаб этилган ҳолларда лицензия ёки рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларга эга бўлиши лозим.

5. Технопарк иштирокчиси илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмалари билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун ахборот портали орқали ишчи органга қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда мурожаат этади:

а) мурожаатчи тўғрисида маълумот (почта манзили, СТИР, телефон (факс) рақами, хизмат кўрсатувчи тижорат банки номи ҳамда банкдаги ҳисобварақ рақами);

б) илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмалари тўғрисидаги маълумотлар;

в) илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмаларининг функционал вазифаси, техник хусусияти, сифат хусусиятлари, кимёвий, физик, механик ва бошқа хусусиятлари ҳамда заруратга кўра сифатини тасдиқловчи ҳужжатлар;

г) илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини яратиш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар (ҳисобварақ-фактура, харажатлар сметаси ва бошқалар).

6. Ишчи орган мурожаат келиб тушган кундан бошлаб беш иш кунида мурожаат ушбу Низомнинг 4 ва 5-банди талаблари асосида тақдим этилганлигини текширади ва натижаси бўйича:

ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда, камчиликларни бартараф этиш учун ҳужжатларни ахборот портали орқали мурожаатчига қайтаради ва бу ҳақда уни хабардор этади;

ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилган тақдирда, ваколатли органга ахборот портали орқали сўровнома юборади.

7. Ваколатли орган сўровнома келиб тушган кундан бошлаб ўн беш иш кунида сўровномани ўрганиб чиқади ва натижаси бўйича ишчи органга ахборот портали орқали илмий экспертиза хулосасини тақдим этади.

Бунда мурожаатчи томонидан жорий этилган илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмаси ушбу Низомнинг 4-бандида назарда тутилган мезонларга жавоб бермаса, асослантирилган ахборот тақдим этади.

8. Ишчи орган ваколатли орган томонидан тақдим этилган илмий экспертиза хулоса келиб тушган кундан бошлаб беш иш кунида ахборот портали орқали Иқтисодиёт ва молия вазирлигига Технопарк иштирокчисига илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмасини яратиш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатларни Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан қоплаб бериш тўғрисида сўровнома юборади.

9. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги сўровнома келиб тушган кундан бошлаб бир ой муддатда илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмасини яратиш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатларни Технопарк иштирокчиси мурожаатида келтирилган банкдаги ҳисобвараққа Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан қоплаб беради.

3-боб. Лойиҳалаштириш, инжиниринг ва технологиялар трансфери хизматларини кўрсатиш (ишларни бажариш) билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун асос бўлувчи ҳужжатлар, мурожаат этиш ва харажатларни қоплаш тартиби

10. Технопарк иштирокчиси Технопарк ҳудудида ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш) фаолияти доирасида лойиҳалаштириш, инжиниринг ва технологиялар трансфери хизматларини кўрсатишни (ишларни бажаришни) жорий этганлиги ваколатли орган томонидан тасдиқлангандан сўнг ушбу лойиҳалаштириш, инжиниринг ва технологиялар трансфери хизматларини (ишларини) жорий этиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан қоплаб бериш учун асос бўлади.

Бунда Технопарк иштирокчиси:

юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳамда Технопарк иштирокчиси бўлиши;

мис ва ноёб металллар хомашёсини қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда лойиҳалаштириш, инжиниринг ва технологиялар трансфери хизматларини кўрсатаётганлиги (ишларни бажараётганлиги);

лоийҳалаштириш, инжиниринг ва технологиялар трансфери хизматларини кўрсатишни (ишларни бажаришни) жорий этиш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатларни тасдиқловчи хужжатларга эга бўлиши;

лоийҳалаштириш, инжиниринг ва технологиялар трансфери хизматларини кўрсатиш (ишларни бажариш) бўйича мажбурий сертификатлаш талаб этилган ҳолларда мувофиқлик сертификати, шунингдек, зарур ҳолларда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар ёки экологик экспертиза хулосасига эга бўлиши;

лоийҳалаштириш, инжиниринг ва технологиялар трансфери хизматларини кўрсатиш (ишларни бажариш) қонунчилик хужжатларига мувофиқ рухсат этиш хусусиятига эга бошқа хужжатларга эга бўлиши лозим.

11. Технопарк иштирокчиси лойиҳалаштириш, инжиниринг ва технологиялар трансфери хизматларини кўрсатиши (ишларни бажариши) билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун ахборот портали орқали ишчи органга қуйидаги хужжатларни илова қилган ҳолда мурожаат этади:

а) мурожаатчи тўғрисида маълумот (почта манзили, СТИР, телефон (факс) рақами, хизмат кўрсатувчи тижорат банки номи ҳамда банкдаги ҳисобварақ рақами);

б) лойиҳалаштириш, инжиниринг ва технологиялар трансфери хизматларини кўрсатиш (ишларни бажариш) тўғрисидаги маълумотлар;

в) лойиҳалаштириш, инжиниринг ва технологиялар трансфери хизматларини кўрсатиш (ишларни бажариш) функционал вазифаси ва бошқа хусусиятлари ҳамда заруратга кўра сифатини тасдиқловчи хужжатлар;

г) лойиҳалаштириш, инжиниринг ва технологиялар трансфери хизматларини кўрсатишни (ишларни бажаришни) йўлга қўйиш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатларни тасдиқловчи хужжатлар (ҳисобварақ-фактура, харажатлар сметаси ва бошқалар).

12. Ишчи орган мурожаат келиб тушган кундан бошлаб беш иш кунида мурожаат ушбу Низомнинг 11 ва ушбу банд талаблари асосида тақдим этилганлигини текширади ва натижаси бўйича:

хужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда, камчиликларни бартараф этиш учун хужжатларни ахборот портали орқали мурожаатчига қайтаради ва бу ҳақда уни хабардор этади;

хужжатлар тўлиқ тақдим этилган тақдирда, ваколатли органга ахборот портали орқали сўровнома юборади.

13. Ваколатли орган сўровнома келиб тушган кундан бошлаб ўн беш иш кунида сўровномани ўрганиб чиқади ва натижаси бўйича ишчи органга ахборот портали орқали илмий экспертиза хулосасини тақдим этади.

Бунда мурожаатчи томонидан жорий этилган лойиҳалаштириш, инжиниринг ва технологиялар трансфери хизматларини кўрсатиш (ишларни бажариш) ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган мезонларга жавоб бермаса, асослантилган ахборот тақдим этади.

14. Ишчи орган ваколатли орган томонидан тақдим этилган илмий экспертиза хулосаси келиб тушган кундан бошлаб беш иш кунида ахборот портали орқали Иқтисодиёт ва молия вазирлигига Технопарк иштирокчисига лойиҳалаштириш, инжиниринг ва технологиялар трансфери хизматларини кўрсатишни (ишларни бажаришни) жорий этиш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатларни Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан қоплаб бериш тўғрисида сўровнома юборади.

15. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги сўровнома келиб тушган кундан бошлаб бир ой муддатда лойиҳалаштириш, инжиниринг ва технологиялар трансфери хизматларини кўрсатишни (ишларни бажаришни) жорий этиш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатларни Технопарк иштирокчиси мурожаатида келтирилган банкдаги ҳисобварақ рақамига Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан қоплаб беради.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

16. Ишчи органга тақдим этилган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун уларни тақдим этганлар масъул ва жавобгар бўладилар.

17. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

“Ohangaron Tech Industrial” технопарки иштирокчиларининг
инновацион, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик
фаолиятини қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги
низомга 1-илова

**Технопарк иштирокчисининг технопарк ҳудудида ишлаб
чиқариш (ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш) фаолияти доирасида
илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмалари
билан боғлиқ харажатларини қоплаш тартиби
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Технопарк иштирокчиси	Илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмаси билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун ахборот портали орқали ишчи органга мурожаат этади.	ихтиёрий
2-босқич	Ишчи орган	Мурожаат белгиланган мезонларга асосан тақдим этилганлигини текширади ва натижаси бўйича: хужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда, камчиликларни бартараф этиш учун хужжатларни ахборот портали орқали мурожаатчига қайтаради ва бу ҳақда уни хабардор этади; хужжатлар тўлиқ тақдим этилган тақдирда, ваколатли органга ахборот портали орқали сўровнома юборади.	беш иш кунда
3-босқич	Ваколатли орган	Сўровномани ўрганиб чиқади ва натижаси бўйича ишчи органга ахборот портали орқали илмий экспертиза хулосасини тақдим этади. Бунда мурожаатчи томонидан жорий этилган илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмаси белгиланган мезонларга жавоб бермаса, асослантирилган ахборотни тақдим этади.	ўн беш иш кунда
4-босқич	Ишчи орган	Ваколатли орган томонидан тақдим этилган илмий экспертиза хулосасига асосан технопарк иштирокчисига илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмасини яратиш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатларни қоплаб бериш тўғрисида Иқтисодиёт ва молия вазирлигига ахборот портали орқали сўровнома юборади.	беш иш кунда
5-босқич	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Ишчи органнинг сўровномасига мувофиқ технопарк иштирокчиси мурожаатида келтирилган банкдаги ҳисобварағига илмий-тадқиқот ишлари ва тажриба-конструкторлик ишланмасини яратиш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатларни Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан қоплаб беради.	бир ой муддатда



“Ohangaron Tech Industrial” технопарки иштирокчиларининг
инновацион, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик
фаолиятини қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги
низомга 2-илова

**Технопарк иштирокчисининг технопарк ҳудудида ишлаб чиқариш
(ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш) фаолияти доирасида лойиҳалаштириш,
инжиниринг ва технологиялар трансфери хизматларини кўрсатиш (ишларни
бажариш) билан боғлиқ харажатларини қоплаш тартиби
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддати
1-босқич	Технопарк иштирокчиси	Лойиҳалаштириш, инжиниринг ва технологиялар трансфери хизматларини кўрсатиш (ишларни бажариш) билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун ахборот портали орқали ишчи органга мурожаат этади.	ихтиёрий
2-босқич	Ишчи орган	Мурожаат белгиланган мезонларга асосан тақдим этилганлигини текширади ва натижаси бўйича: хужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда, камчиликларни бартараф этиш учун хужжатларни ахборот портали орқали мурожаатчига қайтаради ва бу ҳақда уни хабардор этади; хужжатлар тўлиқ тақдим этилган тақдирда, ваколатли органга ахборот портали орқали сўровнома юборади.	беш иш кунида
3-босқич	Ваколатли орган	Сўровномани ўрганиб чиқади ва натижаси бўйича ишчи органга ахборот портали орқали илмий экспертиза хулосасини тақдим этади. Бунда мурожаатчи томонидан жорий этилган лойиҳалаштириш, инжиниринг ва технологиялар трансфери хизматларини кўрсатиш (ишларни бажариш) белгиланган мезонларга жавоб бермаса, асослантилган ахборотни тақдим этади.	ўн беш иш кунида
4-босқич	Ишчи орган	Ваколатли орган томонидан тақдим этилган илмий экспертиза хулосасига асосан технопарк иштирокчисига лойиҳалаштириш, инжиниринг ва технологиялар трансфери хизматларини кўрсатиш (ишларни бажариш) билан бевосита боғлиқ бўлган харажатларни қоплаб бериш тўғрисида Иктисодиёт ва молия вазирлигига ахборот портали орқали сўровнома юборади.	беш иш кунида
5-босқич	Иктисодиёт ва молия вазирлиги	Ишчи органнинг сўровномасига мувофиқ технопарк иштирокчиси мурожаатида келтирилган банкдаги ҳисобварағига лойиҳалаштириш, инжиниринг ва технологиялар трансфери хизматларини кўрсатиш (ишларни бажариш) билан бевосита боғлиқ бўлган харажатларни Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан қоплаб беради.	бир ой муддатда